

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙОСИЙ-ИЈТИМОЙ ГАЗЕТАСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16-17 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди.

ОҶОЗИ

2001 YIL 20 NOYABR SESHANBA № 137 (26.839)

АЗАЛИЙ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ДОИМО ТИЛ ТОПИШАДИ



Ташрифдан қўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларга замонавий тус бериш, алоқалар шаклу шамоли ва мазмунини давр талабларига, халқаро муносабатлар мезонларига уйғунлаштириш эди.

Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартнома икки мустақил мамлакатнинг ўзаро муносабатларини замонавий тарзда ривожлантиришга янада кенг йўл очди.

Митация қилинмоқда. Афсуски, ҳозир мамлакатлараро муносабатларга раҳна солишга интилувчи бузғунчи кучлар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги икки ва барқарорликни мустақамлаш борасида муайян келишувларга эришилган.

Афғонистондаги воқеалар ўз-ўзидан хавфсизлик масаласига янгича ёндашув талаб қилади. Мазкур шартноманинг долзарблиги ҳам шунда.

Модомики, гап Афғонистонга тақалган экан, икки мамлакат президентларининг Остонадаги матбуот анжуманида берган баёнотларига тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги икки ва барқарорликни мустақамлаш борасида муайян келишувларга эришилган.

МУЗОКАРА БЕСАМАР ЯҚУНЛАНДИ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) делегацияси ўртасида ўтказилган музокара бесамар яқунланди.

ИҚТИСОДИЁТНИ ТИКЛАШ МАСАЛАСИ ҚЎРИЛАДИ

Жаҳон банки 27-28 ноябрь кунлари Покистон пойтахтида Афғонистон иқтисодиётини тиклаш масаласига бағишланган халқаро анжуман ўтказилаётгани маълум қилди.

МАЎЛҒУБИЯТНИ ТАН ОЛДИ

Болгариянинг амалдаги раҳбари Петр Стоянов президентлик сайловининг иккинчи босқичида маълубиятга учраганини тан олди.

ХРОНИКА

ВАЗИЯТ ЧИГАЛЛИГИГА ҚОЛМОҚДА

Толибонларга қарши курашаётган Шимолий иттифоқ бирлашган қўшинлари Афғонистон худудининг қарийб 90 фоизини ўз тасарруфларига олдилар.

Мамлакат пойтахтида эса бирмунча хотиржамлик кўзга ташланмоқда. Бозорларда савдо-сотик авжида.

ДАЛА ҚЎМОНДОНИ ЎЛДИРИЛИБДИ

Афғонистонда Қундуз шаҳри учун бўлиб ўтган жангда дала қўмондони Жума Намангоний ўлдирилганлиги ҳақидаги хабарни Шимолий иттифоқ раҳбари Абдурашид Дўстум журналистларга айтди.

«АЛЛО, АМЕРИКАМИ?»

— Болам, истиқлол берган неъматларини санаб санаюнга етиш қийин-ов, — дейди пахтакорлик отахон Сулаймон Жабборов.

Бир танишим оғриб қолди. Жигари панд берди. Даб-дурустдан бошланган дард ҳаммининг капалагини учирди.

НАМАНГАН ШПРИЦЛАРИ

қолдилар. Дард чекингач дўстим касали тарихини гапириб берди.

Мутахассислар фикрича, республика эҳтиёжи учун йилгига 1 миллиард дона шприц ишлатилар экан.

Оппоқ халат кийган маҳаллий ёшлар ускуналарни моҳирона бошқариб, инсон соғлиғига беаҳамал таъсир кўрсатган шприцларни ишлаб чиқаришга киришдилар.

рига мос ускуналар ўрнатилди. Бино обод ва покиза гўшага айланди.

Оппоқ халат кийган маҳаллий ёшлар ускуналарни моҳирона бошқариб, инсон соғлиғига беаҳамал таъсир кўрсатган шприцларни ишлаб чиқаришга киришдилар.

ОЛИЙГОҲ — «ТЕМПУС» ФОЛИБИ

Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институтига хориждан 13 та замонавий компьютер, лазерли принтерлар, модем ва бошқа кўпбал техника воситалари келди.

«МЕНИ ОТИБ ТАШЛАЙСАН», ДЕБДИ

Усама бин Лодин ўз ёрдамчиларига ва ўлига қарата бундай деди: «Агар америкаликлар мени топиб оладиган бўлсалар, дарров менга қарата ўқ узинлар. Мен тирик қўлга тушишни истамайман».

АЛОҚАДОРЛИГИ АНИҚЛАНДИ

Испанияда ўтган hafta хибсга олинган бир гуруҳ жиноятчининг «Ал-Қаида» ташкилотига бевосита алоқадор эканлиги аниқланди.

ЎЗБЕГИМ МАШИНАСИГА БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР

ЎЗБЕГИМ МАШИНАСИГА БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР

ЎЗБЕГИМ МАШИНАСИГА БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР

ЎЗБЕГИМ МАШИНАСИГА БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР

Ўзбекистон почтаси Давлат-Акционерлик компанияси

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ: «Ўзбекистон овози» — 220 «Голос Узбекистана» — 121

«ХАОМА» ШАРБАТИ ХАКИДА

Аждодлар мероси — «Авесто» асарини жаҳон аҳлига кенгроқ таништириш бахтига муассар бўлиб турибмиз. Оллоҳ ҳар биримизни савоб ишлардан бенаиб этмасин. Салкам 3 минг йилдан буйи янги ҳар биримизни савоб ишлардан бенаиб этмасин. «Авесто»да турмушнинг турли томонлари, табиат ва жамият тўғрисидаги бой маълумотлар қатори тиббиёт ва дорихоналик ҳам кенг ўрин берилган. Асарда келтирилган ривоятларга қараганда, жоҳил шахс Анхр-Маню одамларга зарар (хас-салик) келтирувчи 999 та касаллик юборган ва дард тагнага руҳ орқали кириши ай-тилган.

Яхшилик ва эгулик тарқатувчи хуло Ахура Мазда эса уша даврдаги табобат илми-нинг отаси, биринчи табиб Гритага 1000 та дори юборган. Демак, дорилар сони касалликларга қараганда биттага кўп бўлиб, доно табиилар одамларни дардан холос этишига қодирлар, деган хулосага ишора бор.

Тарихчи олим Тоҳир Ка-

римнинг «Авесто изидан» китобида «Хаома» («саломат-лик ва ҳаёт манбаи») шарба-ти ҳақида ёзади. Тангри Зардуштга фикр юбориб, Датна (Аму) дарёсининг ўртасига бориб кўлидаги сопол идиш-ни сувга тўлдирини буюради. Кейин керакли ўсим-ликларнинг илдизи, багри, пояси ва гулини аралашти-риб, қайнатиб шифобахш «Хаома» шарбатини тайёр-лаш айтилади.

Маздапарастлар «Хаома» шарбатини катта шодиёна маросимларда кайфиятни кўтарувчи, тетиклаштирувчи, куч-қувват бағишловчи воси-та сифатида истеъмол қилиш-ган. Айниқса, ибодатхоналар-га боришдан олдин ичиб, оловга сиғинишган, ўзаро сархуш мулоқотда бўлишган ва рамзий ичимлик сифати-да баҳолашган. Ҳатто, шар-бат кишилар танасидан жон вақтинча эркинликка чиқи-шига имкон беради, деб ҳисоблашган.

Бу ривоятга зamon илми нуқтан назардан ёндошадиган бўлсақ, ўзига хос даро-са келиш мумкин.

Сопол идишни дарёнинг ўртасидан тўлдирини хо-

сияти катта, чунки оқабган сув доимо ҳаракатда бўлганидан ўз-ўзини тозалайди, турли микроорганизмлардан анча ҳолидир. Сув етти мар-та думаласа, ҳалол ва тоза бўлади, деган ҳикмати гап ҳам шундан келиб чиққан бўлса ажабмас.

Сопол идишдаги сувга со-линаётган ўсимлик қисмла-ри тўғри танланган. Чунки ўсимликларнинг турли қис-мларида ҳар хил шифобахш моддалар мавжуд. «Хаома» шарбати таркибига кирган доривор ўсимликларнинг номлари айтилмаган. Аммо маълумотлардан маълум бўлдики, улар қизилгулдош-лар, соябонгулдошлар оила-сига мансуб хомашёлардан тайёрланган экан.

Уйлаймики, «Хаома» до-рисини тайёрлаш технология-сини яратиш, фармакология мутахассисларига тақдим этиш, синаб кўриш ва тиб-биёт амалиётига таъбиқ эт-сақ, юртимиз асл табобатчи-лар ватани бўлганини яна ибоблаган бўларди.

■ **Х. ХОЛМАТОВ,** Тошкент фармацевтика институтининг профессори.
Б. ДҮСЧАНОВ, 1-ТошДавТИ Урганч филиали директори, профессор.
Р. СОБИРОВ, 1-ТошДавТИ Урганч филиали халқ табибати кафедраси мудири, фармацевтика фанлари доктори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 20 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божага тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги кийматини белгиллади:

1 Австралия доллари	356,02	10 Люксембург франки	149,14
1 Австрия шиллинги	43,72	1 Малайзия ринггити	179,57
1 Англия фунт стерлинги	973,08	1 Германия маркази	307,62
10 Бельгия франки	149,14	1 Польша злотийси	166,21
1 Голландия гульдени	273,01	1 СДР	863,53
10 Греция драхмаси	17,67	1000 Туркия лираси	0,45
1 Дания кронаси	80,88	1 Финляндия маркази	101,19
1 БАА дирхами	185,77	1 Франция франки	91,72
1 АКШ доллари	682,29	1 Швейцария франки	410,60
1 Миср фунти	160,54	1 ЕВРО	601,64
10 Испания песети	36,16	10 Жанубий Корея воени	5,36
100 Италия лираси	31,07	10 Япония йенаси	55,51
1 Канада доллари	430,01	1 Россия рубли	22,91
1 Хитой юани	82,43	1 Украина гривнаси	129,01

*) Валюта кийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу кийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Бу мактабни бўқалиқлар ҳамisha биринчи деб баҳолашга одатланган. Бонси, 1-мактаб жамоаси ҳам ўқиб, ҳам меҳнат ва жисмоний тарбияда ибрат кўрсатиб келмоқда. Қилинган меҳнат зоо кетмаепти. Абдусамат Топшўлатов директор бўлиб турган мактаб таъзнамачилари Тошкентда ўтказилган республика биринчилигида фахрли уринларни эгаллашди. Улар 3 тадан олин, кумуш ва бронза медалларини кўлга киритиб, жонажон мактабларига ёруғ юз билан қайтдилар.

Суратда: совриндор ўқувчилар.
■ Йўлдош СОЛИЕВ олган сурат

ХУНАРМАНДИЧИЛИК САМАРҚАНДА МАРМАР ҚОҒОЗЛАРИ

— Самарқанд азадан миллий хунармандчилик ва амалий санъати билан донг таратиб келган. Қўли гул усталаримиз томонидан яратилган бетакрор санъат буюмлари ҳозир ҳам хорижий сайёҳларни лол қолдирмоқда. — деди «Туркистон-пресс» мухбирига «Мерос» хунармандчилиги уюшмаси раҳбари Зариф Мухторов.

— Айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий хунармандчилик билан шўғулланувчиларга катта имкониятлар очилди, — сўзини давом эттирди З. Мухторов. — Ҳар хил қўлчилик, ёдгорлик — совға буюмлари, зардўзлик, каштачилик маҳсулотлари билан турли халқаро кўргазмаларда қатнашиб маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқаепти. Улар «Ўзбекистон» деган тамга билан Голландия, Германия, АКШ, Франция, Қозғистон сингари давлатларда ўтказилган кўргазмаларда юқори баҳоларга сазовор бўлди. Тарихдан маълумки, қадимда Самарқанд мрамар қоғозлари ўзининг сифати билан жаҳон бозорига машҳур бўлган. Айни пайтда ана шундай қоғозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяепми. Бу бир томондан тарихий қоғоз хунармандчилигини тиклашга ёрдам бера, бошқа бир жиҳатдан у чиройли тулқоғозлар ишлаб чиқаришни таъминлайди.

«ТАФАККУР» ЁЛҚИНЛАРИ



«Ўғил отадан сўрайди: — Дадаяжон, айтинг-чи, бой бўлмоқ учун нима қилиш керак? — Бой бўлиш учун... — дейди-ю, кутилмаган саволдан довдираб қолади ота. Нима десин? Қандай жавоб қилгани маъқул?»

Маънавий дунёимиз бойишига хизмат қилиб келатган «Тафаккур» журналининг янги сони «Бош муҳаррир саҳифаси» рўқнида чоп этилган Эркин Аъзамнинг ана шу сатрлари билан оқилади. Журнал муқаддимасидан бир қарашда олдий, аслида эса эътиборталаб бўлган бу каби саволларнинг ўрин олиши «Тафаккур»нинг доимий мухлислари учун табиий ҳол. Чунки, «Тафаккур» журнали ташкил топганидан то бугунгача кундалик ҳаётимизда уч-райлиган, тараққиёт йўлида қўндалан бўлиб турган долзарб савол ва муаммоларга ўзига хос тарзда жавоб излаб келади. Ана шу йўл билан журнал жамоаси ўқувчилар сонини ошириб бориш баробарида истиқлолимиз мустақилликни, фуқароларнинг ижтимоий-сисий фаоллашу-вига хизмат қилайтир.

Журналнинг янги сонидан ўрин олган мунозарата чорловчи, бутунти шиддатли ва

бунёдкорликлар асосига қурилган кунимизнинг муҳим қирралари ҳақида баҳс юри-тилган теран мақолалар ҳам тахририят анъанасини давом эттиради. Жумладан, ёш сие-сатшунос олим Фарҳод Ҳам-роевнинг «Янги аср муаммо-лари» мақоласи ўзининг ўқишлилиги, муҳокамадаги мавзуга нисбатан муаллиф-нинг зийрак муносабати билан ўқувчинини ўзига тортади. Муаллиф тарихга айлган XX асрнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталар экан, ҳақиқ равишда у келтириб чиқарган умумшар тақдирга дахлдор муаммоларни ҳам таъкидлаб ўтади. Талқикот-чи шу билан биргаликда XXI аср кишига мерос бўлиб ўтган бу глобал муаммолар ечимига муносабат билдира-ди.

Бу каби таҳлил талаб маса-лалар тарих фанлари номзо-ди, доцент Муродулла Мир-заевнинг «Эркинликка чор-ловчи таълимот», Фахриддин Мусаевнинг «Муштарак та-рийх», ёш талқикотчи, линшунос Сарвар Абдулла-евнинг «Улкан маънавий бойлик», Жафар Холмўми-новнинг «Нақибандия пири» мақолаларида ҳам атрафлича муҳокама этилган. Муаллиф-лар халқимизнинг узоқ дав-латчилик тарихи, ислом дини, унинг инсонсеварлик

■ Шухрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Киш-қировли кўнлар яқинлашган сари газ-чиларнинг ҳам ўзига хос ташвишлари орта-ди. Чирчиқ шаҳар газ таъминоти идорасида бўлганимизда соҳа ходимларининг бугунги кундаги ишлари тизилганининг устидан чиқ-ди.

Айни кезде улар шаҳарда жойлашган 44 та маҳаллага хизмат кўрсатишмоқда. Бунинг учун жамоанинг 153 кишилик меҳнат ахли бир тану бир жон.

Аҳолидан газ тўловлари учун йиғиладиган пул тушумлари ўз вақтида тўланиши таъмин-ланмоқда. Шу билан бирга аҳоли яшайдиган хонадонларда, корхоналарда кўнгилсиз ходи-саларнинг олдини олиш мақсадида, шаҳар ўт ўчириш идораси, прокуратура, ички ишлар ходимлари, маҳалла фаоллари иштирокида ойда икки марта рейд ўтказилиб турилибди.

Суратда: И. Москвичев газ тақсимлашни назор-ат қилаётган пайт.

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Ақл нима? У-да кўмакчи дилдир...

Абулбарокат ҚОДИРИЙ.

Харсанг улкан. Бироқ оло-с арралар унинг бағрига ботиб бораепти. Яна бир дастгоҳда мрамар сайқали у-лини эслатади. Бетимсол ўзаллик...

Корхона раҳбари Меили Бурхонов сангарошлик машаққатлари, беназир ускуна-лар қандай келтирилганлиги, яна муаммолар ҳақида гапи-ради. Ҳар қандай янгилик-нинг бағрида ташаббус ва ку-лаш яшайди. Бу ўйлар оғушида иккинчи — янги қидоқ туғила бошлайди...

Унинг отаси Топар, онаси Аҳун қишлоғидан эди. Ҳар икки қирғоқда жойлашган қишлоқлар ўртасидан минг йилларни қаритган, ҳар гулд-гоҳида янгидан яшарба-тан Танҳоз дарёси тирикчи-қўшигини қуйлаб оқарди. Этаси Карим ака тракторчи эди, ўнлаб сув иншоотлари қурилишида меҳнат қилган-ди. Онаси Ихрож опа етти синф ўқиган бўлса-да, зеҳни ўткир эди. Ҳисобчи, хўжа-чи раҳбари ўринбосари, қишлоқ кенгаши котиби бўлиб ишлади. Оиллада ўн бир фарзанд камолга етди. Меҳнатдан қадр топган бу билани фақат Шаҳрисабзга-гина эмас, воҳога довруғ та-дидан, ҳозир номи ширкат-га қўйилган марҳум Гани Бо-бобров ҳам иззат қиларди.

— Юртининг, меҳнатни севагин — насихат қиларди отаси, — машаққатдан қўчи-ма.

— Одамларни қўрла, — перди онаси, — эл хизматиға бирсанг ўзинг ҳам қалр то-ласан...

солиш бўлими бошлиғи А.Каримовни ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иштироғига ўтказиш» ҳақидаги буйруққа республика Мар-казий банки бошлиғи Ф.Муллажонов имзо чеккан. Истиқлол ўз юртига фидойи, истеъдодларни юзага чиқар-ди. Ушанга олдий қишлоқ муаллими ўғли Абдурахмат Боймуродов ҳам вилоят бан-ки бошқармаси бошлиғи ўринбосарларидан бири эди.

— Мустақил давлат тузга-нимизнинг дастлабки йилла-ри банк-молия тизимидаги ишлар ниҳоятда машаққатли


ИККИ ТЎЛҚИН ШИЖОАТИ

кечганли, — эслайди ҳозир-да республика Марказий бан-ки Қашқадар вилоят бош-қармаси бошлиғи Абдурахмат Боймуродов. — Ёш давлати-ми иқтисодини издан чиқар-иш учун ташқи хужураб-бошланди, қимматини йўқот-ган Россия пуллари, тўлов қоғозлари юртимизга оқиб-кела бошлади. Президентим-из Марказий банк ва унинг иқтисодчилари олдиға ўта масъулятли вазифаларни қўйилди. Натияжада иқтисо-дийетимизни мустақамлаш борасида қатъий чоралар қўрилди. Умуман, миллий валютани қабул қилинган кунгача бўлган иқтисодий курашлар солномаси тўла би-тилган эмас. Аччиқ ҳақиқат-ни тан олиш керак. Айрим-лар арзимас садақаға учиб, тубанликка юз тутди. Бироқ

«Амир Тему» ордени топ-ширилшига бағишланган тантаналарда иштирок этиш, Президентимизнинг сўзлари-ни эшитиш бахтига сазовор бўлдим. Биласизми, ушанда кўнглим ифтихорга тўлди. Ахир, умри меҳнатда ўтган ота-онам орзу қилган, қад-имлик, фуруризмиз яна бир бор кўтарилган кунлар эди-ла...

Сўхбат шаҳрисабзлик бир тадбиркор қурган хусусий бозор ёнидаги банкнинг бозор ёнида бўлаётган эди. Абдуғаффор бўйчан, қарашлари ўткир, фаол жа-

қишлоқда тегирмон қуриб олишди. Ун, ёрмани ўзлари тайёрлашаепти. Тадбиркор-лик, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давлатимиз эътиборида. Уларга шу йилнинг ўтган даврида берилган кредит 221



Миллион 260 минг сўмдан ошди. Олган фойдамиздан имтиёзли кредитлар ҳам аж-ратаяепми. Масалан, «Салаф» кичик корхонаси 2 миллион сўм кредит эвазига сўт-пиш-лоқ цехини қуриб олди ва қарзининг 1,5 миллион сўми-ни қайтаришга улгурди. Ки-тоб туманидаги «Ал Шариф» фирмаси 10 минг АҚШ дол-лари ҳисобидан хорижий сто-матология ускуналарини со-тиб олди.

— Йирик лойиҳа ва хори-жий инвестициялар ҳам бан-кингиш орқали амалга оша-ётган экан, — дейман унга. — Шаҳрисабздаги «Мевалар камалаги» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси маҳсулотлари четта чиқари-ладиган бўлибди. Хомашё «Г. Зиё-Нур» хусусий корхо-наси Осие Тараққиёт банки-

«АМИР ТЕМУР»НИ УЛУҒЛАБ

ларга! Узоққа бормай, жо-рий йилнинг ўтган ойларига назар ташлайлик. Режани уд-далаган галлакорлар 8-10 тоннагача бугдой олишди. Пиллакорлар эса ўртача 60-80 минг сўм даромад қил-дилар. Яқинда эса 5 тонна пахта ёни, 12 тонна шрот ва 9 тонна шелухани ярим ба-ҳода тарқатди.

Яна бир гап. Бундан ташқ-ари, йил охиригача 14 милло-он сўм дивиденд ҳам бер-моқчимиз. Галлар сувдан кўтарилган, галладан — 20, пахтадан — 80, жами 100 миллоон сўм даромад қили-шни чўглаб юрибмиз. Чорва, пилла, сабзавотдан келадиган соф фойда ҳам ўзига яраша бўлар. Йил охирида эса қўшимча даромад...

Шунақа! Ерни ардоқлаёт-ган, хўжаликда жон қуй-дириб ишлаётганларнинг ҳамisha қозони қанайар.

Раис бобо яна бир гапни айтдилар: келгуси йил хўжалик марказида Амир Тему хиббонни қурилар экан. Албатта, соф фойда ҳисобидан. Унда ошхона, чойхона, ресторан, савдо дўконлари ва маданий-ма-ишй хизмат турлари му-жассамлашади. Янги боғ яратилиб, улуг бобомиз руҳи шодланади. Бу бир муъжазгина хўжаликнинг мустақиллик йилларидаги ишлари. Орзулар эса бун-дан ҳам улуг, режалар бисёр.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

дан олинган 843637 АҚШ долларига Германиядан йи-лига 363 тонна макарон ва 1512 тонна қандолат ишлаб чиқарилган 2 та линия со-тиб олибди. Назаримда, бун-дай истиқболли лойиҳалар ҳали оздай...

— Масалани бу тарзда қўймаслик керак, — жавоб беради Абдуғаффор. — Тад-биркорлик йўлида ҳеч қан-дай тўсиқ йўқ. Аммо ҳар қан-дай яхши лойиҳа ўз-ўзидан юзага чиқмайди. Масалан, 1997 йилда Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкидан «Як-кабоғ тўқимачилик фабрикаси» акциядорлик жамиятига 992160 АҚШ доллари миқ-дорда кредит олиб берил-ди. Бунинг эвазига корхона-га Россия давлатидан 90 дона тўқув дастгоҳлари олиб ке-линди. Асосий хомашё — ка-лава ип таъминоти ёмонлиги туфайли корхона тўлиқ қув-ват билан ишлаш олмаепти. Бу кредитни ўз вақтида қай-таришни қийинлаштиради. Қишлоқда саноатни жадал ривожлантириш қўллаб ма-ласаларга, жумладан, хомаш-ёга, коммуникация, электр тизимларини бевуқсон иш-латишга ҳам боелиқ. Ҳозир «Кеш» фирмасига йилга 7200000 дон полиэтилен қоп-ишлаб чиқариш қувватиға эга ускуналарни келтириш лойиҳаси устида ишлаяепми. Лойиҳа қиммати 1539204 АҚШ доллариға тенг бўлиб, унинг 792000 доллари чет э-лдан банк кредити бўлади. Ушбу лойиҳа хужжатлари «Ўзми-лийбанк» лойиҳаларни моли-лаштириш маркази томони-дан кўриб чиқилган. Хомаш-ё «Шўртангаз» кимё маж-мудан олинади. Демак, маж-

сулотта талаб, бозор ҳақида ҳам ўйлаб лозим...

Абдуғаффор Каримов кре-дитлар, лойиҳалар, янги қув-ватларни тилга олади. Банк ишига унча тишим ўтмаси-да, улар замиридаги заҳмат-ли меҳнат, орзулар рўёбини кўраман. Ва улардан биттаси билан яқиндан танишиш учун йўл оламан.

— Абдуғаффор Каримов билан анчадан буйен бирга ҳамкорлик қилаепмиз, — дейди «Қашқадарёмармар» акциядорлик жамияти бош-лиғи, вилоят кенгаши депу-тати Меили Бурхонов. — Та-шаббускор, жонқуяр. Евро-па Тикланиш ва Тараққиёт банкидан олинган кредит эвазига Италиядан йилга 3 минг кубометр харсанг ва 60 минг квадрат метр мрамар тахта тайёрлаш қувватиға эга ускуналар келтирилиб ўрна-тилди. Маҳсулотимиз юқори сифатли. Кредитни узишда бироз қийналяепмиз. Бу бо-рала Абдуғаффор маслаҳати-ни аямайди...

Вилоятдаги энг йирик тошни қайта ишлаш корхо-насида сув сочиб, мрамарга сайқал бераётган дастгоҳ қаршисида ўйга толаман. Сувнинг қудрати — тўлқин-да. Доншманларнинг ай-тишича, инсонда ҳам ақл-идрок ва юрак тўлқинлиги яшаркан. Агар ана шу икки тўлқин эзу мақсад йўлида бирлаша, қудрат ва тафак-кур кучи бениҳоя ошаркан. Ҳаёт йўлини ибратли ишлар билан беэётган Абдуғаффор Каримов ана шундай яша-япти.

■ Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ КАБУЛ КИЛИНДИ

Македония парламенти нияҳат узок вақт давом этган баҳслашувлардан сўнг мамлакат конституциясини 15 та муҳим тўзатишлар киритилган ҳолда қабул қилди.

МУСОДАРА ЭТИЛДИ

АҚШ ҳуқуқни ҳимоя қилиш хизмати ходимлари яқинда 144 кишини ҳибсага олишди. Жиноятчилардан 2700 килограмм эфиринг модалар ва 3 миллион доллар маблағ мусодара қилинди.

Ота-оналикнинг энг асосий бурчларидан бири фарзандга муносиб ва чиройли исм қўйишдир. Токи, ўғил-қизлари улғайганлардан сўнг ўз исмлари ўзларига манзур бўлсин, қулоқларига яқин ва ёқимли эшитилсин.

Бироқ ҳамманинг ҳам исми ўзига ярашармикин, келгуси ҳаётида унинг умр йўлларига зеб бера олармикин? Агар исмингиз ўзингизга ёқмаса борми — бундан ортиқ азоб йўқ.

Инсоннинг исми-чи! Биз уни кўп эшитаемиз. Шундай экан, унинг руҳимизда, жисмида акс-садо бериши табиий-да!..

Фурқат деган танишим бор. 10 ёшлигида автомобиль ҳалокати туфайли отасидан айрилган. Бу жудаликка бардош беролмаган шўрлик она эридан сўнг бир йилга етар-етмай яқкаю ягона нури дийдаси бўлмиш Фурқатни тамоман етим қолдириб бу дунёдан ўтди.

Эҳтимол, раҳматли ота-онаси ўғилларининг Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат каби дилбар шoir бўлишини орзулаб, унга шундай исм қўйишгандир.

англиштишни инobatта олмагандирлар. Қолаверса, улар ҳавас қилган шоирга ота-онаси Зокиржон деб исм қўйишган.

ИСМИНГИЗ

ЎЗИНГИЗГА ЁҚАДИ...МИ?

қийналган дамларида бунинг учун кўп афсусланган-дир... Дарвоқо, севамли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам: «Ийғлади фурқатда Фурқат, ҳам муқумликда Муқум» дея бежиз ёзмаган-да!..

Бир одамни биламан. Ўзи ўқимишди, зиёли. Исми — Тупли (отаси туп қўйиб паллақ ёқсин, деган ниятда шундай от қўйган экан).

исмдан ҳар қандай одам ор қилади-да! Шу-шу ҳалиги домла ўзини ҳаммага «Тўлқинжон» деб таништирди. Энди унинг ҳужжатлари имзо чекаётган ёки расмий таништирув пайтларидаги уялиб-қизаришлари

МУЛОҲАЗА

танлашдаги дид ва маҳоратлари ҳам турличадир. Масалан, корейларда Ким, Пан, Ли каби фамилиялар, русларда Сергей, Петр, Василий, Наталья, Елена каби исмлар ниҳоятда кўпчилиги ҳаммага маълум.

дим. Бир синфда 20 нафар қиз, 16 нафар ўғил бола ўқиркан. Қизлардан олтигасининг исми Наргиза, тўрттаси Нигора, ўғил болалардан бештасининг исми Жамшид, тўртгасининг исми Жаҳонгир экан.

ЛИМАДА ИСЁН

Перунинг собиқ президенти Альберто Фухимори маъмуриятида хизмат қилганлардан 500 киши мамлакат пойтахти — Лимада исён қўтаришди.

АНЖУМАН ЎТКАЗИШ ТАКЛИФИ КИЛИНДИ

Швейцария БМТга Женевада Афғонистонда янги ҳукумат ташкил масаласига бағишланган анжуман ўтказишни таклиф қилди.

Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича суди ва Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича судининг апелляция судлов хайъати «Қаршиёғмоғ-экстракция» очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти раиси лавозимидан ишлаган Р. Уроқовнинг қотили, деб марҳумани 7 йилдан бери билладиган, унинг энг яқин одами — дўстига айланган «Хумоюн» хусусий фирмасининг директори А. Бекмуродовни топди.

2000 йилнинг 15 январида Раҳматилла Уроқов қариндошлари билан хайр-қўйлашиб Тошкент шаҳридаги «Семур» санаторийсига дам олишга жўнади. Бу хайр-қўйиш видеоларида айлиниши мумкинлигини ҳали ҳеч ким билмасди.

келса фирмادонлар унга Тошкентдан Р. Уроқов телефон қилганлигини айтишди. А. Бекмуродов шундан кейин Тошкентга — санаторийга исм қоқди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас янада галатирок хабар ҳаммани хангманг қилди. Уроқовни яқин дўсти ўлдирганмиш. Унинг ўзи бунга тан олиб «Уроқовни мен ўлдирдим, уни ўлдириб Қашқадарёга ташлаб юбордим» деганимиш...

Хуллас, «Хумоюн» хусусий фирмасининг директори А. Бекмуродов ИИБда Зангиота туман ИИБ бошлиғи ва ЖББ ходимлари қилишлари лозимлигини талаб қилади.

нинг дарвозаси ёнига тўхтади-да дарвозаси тақиллатди. Хотини дарвозаси очган, машинани ичкарига — қоронғи жойга олиб кириб қўйди.

ДЎСТ ҚОТИЛГА АЙЛАНДИ

лайди. Дарвозани очди. Машинани Чирокчи тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Қашқадарё дарёси томонга буради.

Эртаси кун соат тонги 5 ларда уйиғони ўзининг ҳамда Р. Уроқовнинг қийимларини, шу билан бирга милтиқнинг қўндоғини қўшиб ёқиб юборди.

ҚОРА ҚИЛМИШ

Амир Темура хайкали ёнида кўпгина Борган қилишга илоҳи борича пул тоғиб беринг» деб айтиди.

темирни олиб чиқди. Бу нима деб сўраганида «милтиқнинг столи, бунга ҳовлинигизга қўйиб қўйинг» дейди-да чўнтагидан магнитофон чиқариб Р. Уроқовнинг овозини эшиттиради.

БУ САФСАТА ЭМАС ТАСОДИФИМИ, ЁКИ?

да (этибор беринг — еттинчи ой) номзоди кўрсатилган. У 70 ёшини президентлигига 17 кун қолганда нишонлаган.

16 ёки 17 февралда эрталаб соат 6 ларда уйининг дарвозаси тақилланди. Эшикни очса, ўша нотаниш одам турибди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛАЛАЛИ

2001 йил 21 декабрь кунлари КИМОСДА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ



ЁНҒОҚҚА «ҚИРОН» КЕЛДИ, ОЛМАҲОНГА ЭСА...

Дунё тасодифларга тўла. Лекин шу тасодиф ҳаётида ҳадеб такрорланавергач, уни тасодиф деб аташга ҳам иккиланиб қолсан киши.

ҳаётини сақлаб қолган. Кинода илк бор 1937 йили суратга тушган бўлса, 1947 йилда Америка актёрлари гильдияси (бирлашмаси) президенти бўлган.

ўхшашликлар соф тасодифми ёки унинг замирида оз бўлса-да, илмий нуқтаи назар ётибдимикин, деган савол дилнингизда туғилган бўлса не ажаб.

рақки, на уларнинг ўзлари ва на қариндош-уруғлари бир-бирларини танимасди.

«8-автосарой» акциядорлик жамиятининг «ГАЗ-2411» русумли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20-89 ТНА, бошланғич нархи — 254 599 сўм;

Йўл ёқасидаги муҳташам бино. Иккинчи қаватдаги узун йўлакдан бориб, бўлим раҳбари хонасига кирдим. Мени оқ юзларидаги холи ташланиб турган, кўзлари катта-катта, киприклари узун, сочлари чиройли турмакланган, оқ халат шу қадар ярашган, бўйчан жувон қарши олди. Танишдик. Шаҳноза Мавлонова. 1962 йил Тошкент шаҳрида туғилган.

ман, деган орзу-ҳавас уйғонди.

Ушандан буён Шаҳноза ҳаётдан не-не қилар, не-не баҳорлар ўтмади.



ОРЗУЛАРИ ГУЛЛАГАН АЁЛ

Тиббиёт фанлари номзоди. Уч нафар фарзанди бор.

— Мен,— дейди у,— геологлар оиласида туғилганман. Отам Зокир Холматов ҳам, қайнотам Фани Мавлонов ҳам геолог-академик. Умр йўлдошим Наримон Мавлонов геология институтида директор.

—Қандай қилиб геологлар оиласидан шифокор бўлиб қолдингиз? — деб сўрайман Шаҳнозадан.

— Бу орзу, ҳавасдан. Мактабда ўқиб юрган пайтларим «Саодат» журналида тиббиёт фанлари доктори, профессор Нозима Деҳқонхўжаева ҳақида мақолани ўқидим-у, кўнглимда шифокор бўла-

Институти имтиёзли дипломга битирган йили уни пойтахтдаги илмий текшириш институтларидан бирига малака ошириш учун юборишди. Ушандан буён кичик илмий ходимдан бўлим раҳбари даражасидаги йўлни босиб ўтди.

1994 йили Шаҳноза Мавлонова Санкт-Петербург шаҳрида тиббиёт фанлари номзодлигини ёқлади. Эндилда у «Замбуруғ хасталиклари муаммоси» мавзuida докторлик иши устида ишламоқда.

Шаҳноза Мавлонованинг «Проблеми медицинской микологии» журналида илмий мақолалари босилиб туради.

У раҳбарлик қилаётган «Тери ва замбуруғ» касалликлари бўлимини айланар эканмиз, шифокорлар, ҳамширалару фаррошларгача ўз ишини биллиб қилаётганликларини бизни қувонтирди. Кейинги пайтларда кўп касалхоналарда беморлар: дори йўқ, шифокор-ҳамширалар яхши қарамайди, деб нолишади. Бу ерда эса бундай гап-сўзлар, қайғуришлар йўқ.

«Худога шукр, яхши бўлиб қолдим». «Бу ерда керакли дори-дармонлар топилмади», «Бўлим шифокорлари бирам ширин», «Шаҳноза Зокировна ўз ишининг устаси» деган гапларни, мамнуниятларни кўп бемордан эшитдим. Иброҳим Хўжаев, Абдумалик Исмоилов ва Мақсуд Йўлдошев, Ойгул Татибоева каби шифокор, ҳамшираларни яхши кўриб эъзозлашаркан. Буларнинг барисидан бўлим раҳбари Шаҳноза Мавлонованинг озми-кўпми ҳиссаси бор, албатта. Бўлим раҳбари билан суҳбатимизда бирор муқофот билан тақдирланганимиз, деб сўрадим. У эса «Шу беморларнинг соғайганлиги, хурсандчилиги мен учун энг катта тақдирланиш», деди.

Унинг қувноқ, гўзал чеҳрасига боқиб, беихтиёр орзу-ҳаваслари гуллаётган аёл, дедим ўз-ўзимга.

■ Турсунали ЎРМОНОВ

ТУФИН - ХАМИША ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

Энг катта турфа навлар. Юксак сифат, мақбул нархлар.

Янги йил совғалари Байрамонга тўпلامлар

Т. (998-71) 191-36-48, 191-23-30. (Факс) (998-71) 191-03-52. 700076, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Боку кўчаси, 179 А

«БОРИНГА ШУКУР»

КУВНАБ-ЯШНАБ

ШЕЪР ВА ШУУР

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририятда чоп этилган шифокор-шоир Абдулла Шоносирнинг набатдаги шеърий тўплами шундай номланган.

Китобда Ватанга меҳр, мустикалликимиздан шукроналик, юртимиз гўзаллигидан ҳайрат, севи ва дўстликка садоқат мавзулари тараннум этилган.

Шунингдек, тўплагма муаллифнинг узок йиллардаги ижоддан сараланган шеърлари, ҳикмат-ўғитларга йўғрилган тўртликлари ўрин олган.

Шоирнинг «Ой мўралар уялиб», «Унутма» номли шеърий тўпلامларига Ўзбекистон Қаҳрамонлари, элимиз ардоғидаги шоирлар — Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар сўзбоши ёзган эдилар. Бу тўплагма шоир Азим Суён ўз дил сўзларини битган.

Ушбу чиройли муқовали китобни арақлар экансиз, «Бетакорсан, азиз Ватаним», «Ватан сарҳадлари», «Қишлоғим — боғу равоним», «Ёрим — ишқ ноласи», «Турфа ранг сатрлар», «Тўртликларим — юрагим дурлари» сингари бўлимлардаги шеърларни марок билан ўқийсиз.

Китобга расмон Музаффар Аламов безак берган. Кўида шоирнинг янги шеърларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Гуноҳим не ўлдими эй ёр, Кўтиб олмадинг остонангга. Тунларни ўтказиб мен бедор, Келган эдим-ку хуморингга.

Нечун ўчмиш қора кўзлардан, Порлаб турган севиғи ёдуси. Сезилмади айтган сўзлардан, Ошиқ юрак умид-орзуси.

Кулишинг ҳам бошқа, ўзгача, Қарашларинг сўнқ ва маҳзун. Орзуўинг бўлган шу кунгача, Висол, дилинг ёритмас, нечун?

Пок дилингга не соли ғубор, Абр тўсдими ойдин йўлигинги.

Кўзларга дунёни қилиб тор, Не гам босди, ўнгу сўлигини?

Хижронли кун келмас сабабсиз, Алар ўтмас юракдан без. Кўнглингни не бузди эй жонон, Қалбинг доғлаб йиғлайсан ўнсиз.

Тўғён урди ми қалбада фироқ, Тотли висол онларин қўмсаб. Титрайсан мисоли гул япроқ, Айттил жоним бунга не сабаб?

Не бўлса-да очил чиройинг, Андуҳни қув, ўйла висолини. Хира қилмай қўёшу оийнг, Қувнаб яша билмай заволни.

БЕРУНИЙ ВА УНИНГ ШОГИРДЛАРИ

ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР

«ҒАЙРАТ БИЛАН ИШЛА, АҚЛ БИЛАН СЎЗЛА!»

Янги келган шогирд, ишга қўл уришдан кўриб, довидлар турганида, Беруний унга далда бериб, деди:

— Ҳамма нарсанинг ҳам бошланиши оғир, тугаши эса қувончлидир. Бундан, фақат ҳаёт исботи нодир!

Берунийнинг ўзи усқунани қўлига олиб, шогирдига қандай ишлаш кераклигини кўрсата бошлади. Устанинг энцикл ҳаракатларини кўрган шогирд энцикллик билан ишга тушди. Шунда Беруний унга:

— Юмудда шундай ишлаш керакки, ишинга қараб турган одамнинг завқи келиб, сента кўмаклашин. Гапирганингда ҳам, сўзларинг шундай оташин бўлиб, дилингдан чиксинки, сени тинлаган ҳар бир кимса, сенинг фикринг билан яшасин, доим сента интилсин, сенинг сўзларингни ўзгаларга етказа билсин! — деди.

ОТ УСТИДА ПИЁДАЛАР ГАМИ

Шогирди билан кетаётганда Беруний от устида ҳаёлга чўмди.

— Нечун гамгин кўринишдасиз, устоз? — хавотирланди шогирд.

Беруний, бир хўрсиниб, кўзига ёш олди:

— Хар бир кўча ва хар бир хонадон кашшоқлик гами билан суғорилиб, алдамчи тақдирнинг найрангларига тўлганлиги сабабли қалбимда жоҳилларга лаънат, овозларга бўлса раҳм-шафқат қалбимни эзур...

«КЎЛИ ЭГРИНИНГ ТИЛИ ШИРИН»

Беруний яшаган мавзеининг қозиси олимни кўриши билан отидан тушиб, икки букилганича унинг қўлини олишга шошилар эди. Бунга ҳайрон бўлган шогирд, устозидан сўради:

— Пирим, қози-қалон сиз билан жуда сертакалудфид. Бунинг боси недур?

— Бунга таажубланарли сабаб йўқдир, — деб жавоб қилди олим. — Қўли эгри, гуноҳкор кимсанинг тили доим ширин бўлади!

САВОБНИНГ УЛУҒИ

Алланамдан чўчиб, ўзини четга олган ва ориқ бўйинини қисиб кетаётган бир қашшоқни кўриб, шогирд бола қулиб юборди. Бундан ранжиган Беруний бош чайқайди.

— Юрагини олдириб қўйганга ўхшайди, — деди шогирд қулгидан тийилди.

— Тақдир қўли билан бир марта калтакланган инсон, — деди Беруний чўқур хўрсиниб, — тез шикастланадиган ва хар нарсадан чўчидиган бўлур.

Шу тобда, уларнинг олдидан бир бойвачча таманно юриш қилиб ўтиб қолди. Шунда унинг орқасидан ҳавас билан қараб қолган шогирдига Беруний деди:

— Тақдир эркатойларининг эса юришлари дадил, боқилари илиғ, қадам босишлари эса аниқдир. Тақдир юзини тескари қилган инсонларга меҳр қўймоқлик, уларга ёрдам бермақлик савоби бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам асқотур!

ИНСОН ҚЎЛИ НОЕТУКДИР

Берунийнинг қобилиятли бир шогирди иши унмаётганини айтиб, устозига зорланди:

— Баъзи кунлар фикрларим худди катта йўлдан югуриб келгандек қоғозга тушақолади, — деди у ёзганларини устозига кўрсатиб. — Баъзан эса, фикрим ёлғиз оёқ йўлда адашгандек аросатда қолур. Шунда бирор сўз ёзаолмай, ҳижолатдам.

— Ҳамма айб қўлдадир, — деди Беруний қулиб.

— Кўлда айб нега?

— Инсон қўли ноетук асбоб. Унинг фойдали иши оздир. Миядаги фикр қўл ихтиёрига ўтган, ўткирлигининг яримдан қўпини йўқотади!

ЙЎЛДАН ОЗМАСЛИК

Беруний илмий асарларини араб ва форс тилида чиройли ёзган, аммо, фақат туркийча сўзлашган. Фурур билан мен туркий уругиданман, деган. Кейинчалик бундан ўзи шикастланган бўлсада, ўз уруги ва миллатига содиқ қолган. Тазъийқлардан хабардор бўлган бир шогирд, бир кун куноиб, устозига маслаҳат берди:

— Мавлоно, агар сиз форс уругиданман десангиз, тақдир сиз-бизга ризқли қўлини чўзармиди?

— Уз пайгамбаридан юз ўтириб, бошқаларнинг пайгамбарига, ўз миллатидан ор қилиб, ўзга миллатга топинганлар ўта ифлос ва жирканч кимсалардир, — деди Беруний жаҳл билан. — Улар йўлдан озганларнинг «буюғи»дир!

ТЎЛИК ИСМ ШАРОФАТИ

Берунийнинг бир шогирдини, ўртоқлари «Хўжа», деб қақришар эди. Бунга у ҳам «лаббай!», деб жавоб қилар эди. Беруний ёнига ўша шогирдини қақриб сўради:

— Сенинг исминг қандайдур?

— Исмиим Хўжадир, — ўйламай жавоб қилди шогирд.

Ота-онанг қандай қақриурлар?

— Волидам Гулмат дер, отам эса Гулмаматхўжа, деб қақриур, — деди шогирд ва кўшиб қўйди. — Бобом мени доимо узун қилиб, Фулом Муҳаммад хўжа, деб атайди.

— Бобонг исмингни тўғри айтадур, — деди Беруний ўйлаб туриб. — Фулом Муҳаммад Хўжа — тўла ва маънили исм.

— Тўғри айтдингиз, уста, — тасдиқлади шогирд ҳам. — Мен туғилганда берилган исм худди шу узун исм бўлган.

— Инсоннинг ҳайвондан фарқ қиларлик ҳолатларидан бири шуким, унинг қулоғига азон айтиб, унга исм берилади. Ҳайвонга эса, итга устиҳон ташлагандек, тўғри келган ном қўйилур, — деди Беруний хаёл суриб. — Хар бир инсон ўз ризқи билан яралур. Унга азон айтиб, исм берилгач, Оллоҳ уни инсон каби қабул қилур. Унга ризқ-насиба белгилаб, унинг тақдирини ёзади... Гарчи инсоннинг тўлиқ исми айтилмасда ёки уни ўзга ном билан аташса, бундай инсон ризқи ҳам тўлиқ бўлмас ёки унга муллоқ етиб келмас.

«ЕРНИНГ ЕТТИ КАТИНИ ХЎРМАТ ЭТИ!»

Янги келган шогирд, мис маъданни эриптиб, ундан мисни ажратиб олди-да, чикит бўлиб чиққан анчагина мис дашқолини, экин йиғиб олинган ерга тўкиб келади. Бунга кўриб қолган Беруний элиб келадида, гуноҳкор шогирдига бир сўз демай, тўкилган дашқолларни битта қўймай териб, қопга жойлади. Қопни аравага ортиб, йўлга чикди.

— Уста қайга кетур? — сўради ҳайрон бўлиб бояги шогирд бошқа талабалардан.

— Биз дашқолларни чўлга кумурмиз, — жавоб берди бир талаба. — Сен эсанг дашқолни ерга ташлаб, оғир гуноҳ қилдинг. Уста эса сенинг гуноҳингни ювгани кетур.

Бунга эшитган шогирднинг капалаги усти кетди. Югуриб бориб, Берунийнинг йўлини тўсди.

— Гуноҳимдан ўтинг уста! — дея ёлворди шогирд ва Берунийнинг қўлидан от жиливини олди.

— Ким тупроқнинг бир қаричига зулм этса, — деди Беруний. — Ерининг етти қати унинг бўғзидан олур!

■ Аъзам АЗИМОВ, техника фанлари доктори, профессор

КЎРИНДИ

Тонг чоғи сайри гулзор этсанг санам, Изларингдан нуру жило кўринди. Минг бора нозланиб гар қўйсанг қадам, Қадамингда чекис ибo кўринди.

Лов-лов ёнган гўзал ёноқларингдан, Қўёш нурын эмган сабо кўринди. Гуллар тутган хушхоб бармоқларингдан, Завку шавқча тўла сафо кўринди.

Хинолигу нафис, кўркам илқингдан, Гулдаста ушлашинг раво кўринди. Бетакрор жамолинг кўриб ногаҳон, Кўзларимга мислсиз зебо кўринди. Абдулла ошиқ бўлиб сента пишхон, Мажнундайин энди шайдо кўринди.

Жон олғучи жарангдор хос қулгингдан, Бир умрга маҳзунлик жудо кўринди.

■ Абдулла ШОНОСИР

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

2001 йил 21 декабрь, 11, 25 январь кунлари соат 10.00 да кимовида савдолари ўтказида.

1. Кимовида савдосига яқна тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган бир умрга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан қўйидаги манзилда жойлашган 2 та ер майдонини қўйилади: Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган, хар бирининг сатҳи 0,04га., бошланғич нархи — 336674 сўм.
2. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасоў кўчаси, 1-уйда жойлашган «Хабибулло» МЧЖнинг биноси, умумий майдони 212,8 кв.м., бошланғич нархи — 4364811 сўм.
3. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Нилуфар, 3 тор кўчасида жойлашган «Sircal TBK» АЖга қарашли маъмурий машиин бино, умумий майдони 2880кв.м., бошланғич нархи — 100588187 сўм.
4. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Соловьев кўчаси, 1-уйда жойлашган АТП «Узводнепстрас»нинг бокс-шопони 450 кв.м., бошланғич нархи — 1336682 сўм ва омборхона қисми 390 кв.м., бошланғич нархи — 2441067 сўм.
5. Тошкент шаҳар А.Иқомов тумани ҳокимлиги ҚФВ қарашли «Чилонзор» даҳаси, 13-мавзеси, 47-уйнинг 1-хонали, 12а-хонадонини, бошланғич нархи — 1446863,6 сўм ва Х.Турсунқуллов кўчаси, 164-уйнинг 1-хонали 19-хонадонини, бошланғич нархи — 474 406,2 сўм.

ЕР МАЙДОНЛАРИ БЎЙИЧА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ САВДО КУНИДАН УЧ КУН ОЛДИН ТЎХТАТИЛАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.

КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

Уйинда ютқаган жамоа мураббийси даргазаб бўлиб ўйинчилардан кийим алмаштириш хонасида сўради:

— Кеча ким биринчи бўлиб ичинни бошлади?

Жимлик. У яна: — Сизлардан сўрайман, кеча ким биринчи ичинни тақлиф қилди?

Яна сўқунат. — Яхши, масалани бошқача қўямиз. Узи кеча «етдики?» деган сўз кимдан чиқувди?

Жамоа сардори деди: — Сизни мен биринчи қўллаб-қувватладим.

Футбол ишқибозининг хотини эрига деди: — Сен менимча, «Спартак»ни мenden ҳам яхши кўрасан?

— Бўлмаган гап. «Севилья»ни икковингдан ҳам кўпроқ севаман.

Грузин футбол ишқибози стадиондан чиққанда бир мухлис сўради: — Ким ўйнади?

— «Динамо» ва «Спартак».

— Ҳисоб неччи?

— Иккино ноль.

— Ким ютди?

— Ҳеч ким. Унг ва чагда ноль.

Стадионда футбол қизгин давом этаётганда хотин эридан сўради: — Нимага орқа қатордаги мухлис олдидигасини уришяпти?

— Чунки у ҳакамга бўш шишани улқотирди.

— Ахир, шиша ҳакамга тегмади-ку?

— Шунинг учун сўқаяпти-да.

APLOVIT

ОЗИШ ВА ҚАДДИ-ҚОМАТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ТАБИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАСИ

NEW

APLOVIT — ҲАЁТ МАНБАИ!

БУНГА ҚУРБИНИГИЗ ЕТАДИ

ОРТИҚЧА ВАЗДАН ҚУТИЛИНГ, ҲАЁТ ҚУВОНЧИ ВА ЎЗИНГИЗГА ИШОНЧНИ ҲИС ЭТИНГ

БИРТАЛИҚДА ОЗАЙЛИК!

Ишлаб чиқарувчи — «GRACE INTERNATIONAL LIMITED» кўшма корхонаси

Телефон: (998-71) 199-56-43

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети раҳбарияти, қасаба уюшмаси, фундаментал фанлар факультети факультет «Назарий механика» кафедраси мудири, доцент Муҳаммадиёр Аламович ВАЛИЕВнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR

Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbegen QAIPIBGENOV
Farmon OMONOV
Makhkamboy O'MAR og'li

MUASSIS:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 133-12-56, 133-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqq boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistan — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termezda — 3-79-98

700000. TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navhatchi Shohaydar MIRHABIBOV
Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Oqimotida 00004-raqam bilan royxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taqob.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 3002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA